

Кўнгиротлик фермер Бауаддин Алиянов хайрли ишга қўл урди. 1 июнь - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан қорақалпоғистонлик кам таъминланган оилаларнинг 50 нафар фарзандини Хива шаҳрига икки кунлик саёхатга юборди.

Бауаддин ўзи илгаридан қўли очик инсон. Ҳамёнига бирон нарса тушса, овулдошларига ёрдам беришни қанда қилмайди. Овулдошларининг фарзандлари таълим олаётган мактабни ҳам оталиққа олган.

(ЎЗА).




# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 29 май, чоршанба №86 (1303)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 28 май куни Оқсаройда АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси Куролли кучлар бўйича кўмитасининг Харбий таъминот бўйича ички кўмитаси раиси Курт Вэлдон раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Президент Ислам Каримов ўзининг шу йил март ойида АҚШга буюрган ташрифи чоғида ўтказилган учрашувлар икки томонлама муносабатлар жамғаримини яна бир тасдиғи бўлганини таъкидлади.

Ўзаро мулоқотларнинг изчил давом этаётгани эса мамлакатларимизнинг ҳамкорликни хар томонлама кенгайтиришга интилиши кучлигидан далolat эканини таъкидлади.

АҚШ Конгрессининг мазкур делегацияси раҳбари Ўзбекистон-Америка савдо палатасининг Ва-

шингтонда бўлиб ўтган мажлисида қатнашиб, ўзаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича нукта сўзлаган эди. Конгрессменларнинг бундай тadbирлардаги фаол иштироки АҚШ конун чиқарувчиларининг Ўзбекистонга алоҳида эътиборидан далolatдир.

(ЎЗА).

## САЁРАМИЗ САДОСИ

### НАВБАТДАГИ САММИТ РИМДА

Кеча НАТОга аъзо давлатлар бошлиқлари ва ҳукумат раҳбарлари Италия пойтахти Рим шаҳрида ўзларининг навбатдаги саммитига тўпландилар. Унда АҚШ президенти Ж.Буш ҳамда Россия президенти В.Путинлар ҳам қатнашдилар. Анжуманда Шимолий Атлантика ҳарбий уюшмаси фаолиятга тааллуқли қатор масалалар кўриб чиқилди. Шунингдек, унда Россия-НАТО кенгашининг таъсис этилганлиги ҳам эълон қилинди. Юқоридаги масалаларга доир ҳужжатлар имзоланди.

### ЁРДАМ БЕРИШ БОШЛАНДИ

Маълумки, Грузиянинг Панкисс дарасида ва унинг атрофида изғиб юрган террорчиларга қарши курашда Грузия ҳарбийлариға ёрдам бериш учун келган АҚШ мутахассислари бевосита ишга киришдилар. Эндиликда улар қийин шароитларда босқинчи ва жангариларга қарши курашининг турли усулларини намойиш қилиб кўрсатдилар. Бундай ёрдам жараёнининг икки йил давом этиши тахмин қилинмоқда.


### ДЕПУТАТЛАР МАЪКУЛЛАШДИ

Дунёда Атом электр станцияларини қуриш масалалари анча нозик муаммо ҳисобланади. Чунки, бундай ишхоотлар ниҳоятда пишиқ-пухта бўлиши ва истиқболда улар бирон-бир хавф-хатарни вужудга келтирмасликлари талаб қилинади. Шу маънода Финляндияда Атом электр станцияси қуриш масаласи мамлакат парламентида кўриб чиқилди. Депутатларнинг 107 нафари ушбу саъй-ҳаракатни маъқуллаб овоз бердилар, 97 нафар киши қарши чиқди. Бундай қилинишининг яна бир томони бор. Бундан буён Финляндия Россиядан электр қуввати олишни анча камайтиради.

### ТАХДИД ДАВОМ ЭТМОҚДА

Покистон билан Ҳиндистон давлатларининг chegarаларида ҳаёт анча салбий томонга ўзгарди. Хар иккала мамлакат ўзларининг катта-катта ҳарбий қисмларини маълум йўналишларга жамламоқдалар. Жаҳон оммавий ахборот воситалари шарҳчиларининг кузатувларига қараганда, хар дақиқада чинакам уруш бошланиб кетиши мумкин. Улар энг хавфлиси, хар иккала давлат ҳам энг дахшатли қурол — атом бомбаларига эга эканлигидир, демоқдалар.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.



Шу йил 21-25 май кунлари Қозғистон пойтахти Остона шаҳрида ўқувчиларнинг математик лойиҳалар бўйича халқаро танловида Ўзбекистон вакиллари муносиб иштирок этди. Жаҳоннинг ўттиз мамлакатидан келган 86 нафар йигит-қиз орасида АҚШ, Австралия, Германия, Руминия, Туркия, Россия, Украина, Грузия сингари давлатлардан ўқувчилар бор эди.

### ЕШ МАТЕМАТИКЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Танловда Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳридаги 32-ўрта мактаб ўқувчиси Рустам Султонов олтин, пойтахтимиздаги 191-мактаб вакиласи Адолат Сатимова эса бронза медалига сазовор бўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида ўтказилган тантанали маросимда голибларга эсодлик сонғилари топширилди. Энди улар мамлакатимиздаги олий ўқув юртиларига тест синовларига қабул қилинади.

Х. СОДИҚОВА, ЎЗА мухбири.

### «Универсиада-2002»

## БИРИНЧИ КУНИЁҚ — РЕКОРД!

Қадим Бухоро заминида мамлакатимиз талаба-ёшларининг ўзига хос спорт олимпиадаси — «Универсиада-2002» мусобақалари давом этмоқда. Замонавий спорт иншоотлари, ажойиб ўйингоҳларда минглаб томошабинлар олқишлари остида ўтаётган беллашувларда юксак натижалар кайди этилмоқда, янги номлар кашф этилаётди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Миллий олимпия кўмитаси ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлиги томонидан ташкил этилган ушбу нуфузли мусобақа талаба-ёшларимиз ҳаётида ўчмас из қолдириши шубҳасиз. Зотан, руҳан баркамол, кураш майдонларида тобланган, иродаси ва эътиқоди бақувват фарзандларни тарбиялаш, камолга етказишда бу мусобақанинг аҳамияти беқийёсдир. Мусобақа яна шу жиҳати билан қимматлики, у мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлашуви, хар бир хондонга кириб боришига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Мусобақаларнинг биринчи кунини англис атлетика баҳсларида янги рекорд ўрнатилди. Сидней олимпиадаси қатнашчиси, Осиё ўйинлари голиби Шавкат Шарипов 100 метр масофани 10,3 дақиқада босиб ўтиб, Бутунжаҳон Талабалар Универсиадаси рекорди (10,9 дақиқа)ни янгилашга муваффақ бўлди. Бухоро Давлат университети талабаси Ш.Шарипов ушбу талаба билан ўз жамоасига универсиаданинг биринчи олтин медалини туғдиради.

Бухоро кураш мактаби тарбияланувчиси Шухрат Ҳўжаев учун ҳам беллашувларнинг илк кунини омадди келди. У 100 килограмм ваэн тоифасида барча рақиблари елкасини ерга теккизиб, голибликни қўлга киритди. Шунингдек, Темуралимов, Ҳўжирбек Эгамов ва Фарход Тўраевлар ҳам ўз ваэнларида шоҳусуға кўтарилди.

Айни пайтда Бухоро шаҳри ва бир неча туманлардаги спорт мажмуаларида баскетбол, футбол, волейбол, қор ва стол тенниси, шохмат, фарғонача кураш, кўл тўпи, сузиш ва дзю-до бўйича мусобақалар ҳам қизғин давом этмоқда.

(Давоми 4-бетда)

Мехнат қилган киши манфаатдорлиғи ошишидан, ижтимоий турмуш масалалари ҳал этилишидан хамиша умидвор. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексида ҳам ходимга меҳнатига яраша ҳақ тўлаш, уни кечтирмаслик алоҳида тарзда белгилаб қўйилган. Яна шунини ҳам унутмаслик керакки, ижтимоий ҳимоянинг энг яхши омилли кишиларни доимий иш ҳақи билан таъминлашдир. Афсуски, бу борда айрим ҳолларда нуқсонлар ҳам учраб турибди.

Ургут туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кўмитаси тасарруфидига 24 та ширкат ҳужалиғи ва 14 та давлат корхоналарида меҳнат муносабатлари жамоа шартномалари орқали тартибга солинмоқда. Жамоа шартномалари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши тавсияларига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, уларга киритилган бандлар аниқ мақсадга йўналтирилган. Туман ҳужалиқларида касаба уюшма кўмиталари жамоа шартномаси бандларига қатъий риоя қилганлиги туфайли бир қанча ибратли ижтимоий ҳимоя тadbирлари амалга оширилишига эришилди. Масалан, умуман тармоқ бўйича 431 та кам даромадли оилага, 278 та боқувчисини йўқотган оилага, 183 нафар қарияларга 5,5 миллион сўм пул ва

имтиёзлардан баҳраманд бўлаётгани, уларга моддий ёрдамлар берилаётгани яхши, албатта. Лекин улар меҳнатига ўз вақтида ҳақ тўлаш кўпригининг самараси тадбир бўлади. Афсуски, айрим ҳужалиқ раҳбарлари аллақандай баҳоналар билан меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизли-

## Конун барчага баробар

ларда иш ҳақидан қарадорлик мавжуд. Бундай ҳол вужудга келишини сабабларидан бири, тармоқ битимининг бажарилиши ту-

ширкат ҳужалиғида 105 сўм, О.Узоқов номли ширкат ҳужалиғида 70 сўм, «Оқ қўрғон» ширкат ҳужалиғида 40 сўм сарфланган, холос. Бундай ҳақиқатлар маънаф билан нима ҳам қилиб бўларди. Юқоридаги ҳужалиқнинг мутасаддилари Ш.Рашидов номли ширкат ҳужалиғидаги ишлардан иб-

рат олса дуруст бўларди. Мазкур ҳужалиқнинг машина-трактор саройида сауна, дам олиш, кийим алмаштириш, гигиена хоналари ишлаб турибди. Энди асосий муаммо ҳақида. Агар ходимга иш ҳақи ўз вақтида ва етарли миқдорда тўланмас экан, ижтимоий ҳимоя тadbирлари тўлақонли бўлмайди. Иккинчи томондан бу ҳолни қонунни бузиш деб изоҳлаш керак. Лекин меҳнатни муҳофаза қилишга хар бир киши ҳисобига ўтган йили «Акрамобод» ширкат ҳужалиғида 109 сўм, «Меҳнатобод»

# УМИД БИЛАН ЯШАЙДА ИНСОН

ман, қишлоқ ва сув ҳужалиғи бошқармасида бирон марта ҳам муҳофиза қилинмаган, аҳолини яхшилаш чоралари қўрилмаган. Касаба уюшма ташкилотлари бундай вазиятда томошабин бўлиб тургани йўқ. Иш бевуқчаларга, маҳаллий ҳокимият идораларига расмий талабномалар тақдим этди. Аммо жиддий ўзгаришларга эришиб бўлмапти. Хусусий ҳолларда меҳнатчиларнинг мурожаатлари туфайли Самарқанд вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кўмитаси иш ҳақини

уқдириб бериш чораларини кўрмоқда. Масалан, вилоят деҳқон ва фермерлар уюшмаси ҳуқуқшунос М.Қозқобоевга 260 минг сўм, Самарқанд сув қурилиш трестининг КОМК-2 ташкилоти меҳнатни муҳофаза қилиш муҳандиси Э.Абдиевга 186 минг сўм, Оқ дарё туман «Гулистон» ширкат ҳужалиғи аъзоси Д.Бойқобиловга 382 минг сўм, «Янгикўрғонпахта» ҲХ ишчиси Х.Насимовга 186,5 минг сўм иш ҳақи уқдириб берилди.

Иш ҳақини тўлашдаги қонун бузилиш ҳолларини бартараф этиш ва олдини олиш мақсадида вилоят касаба уюшма кўмитаси уч босқичли ҳаракат дастурини ишлаб чиқди. Ушбу дастур бўйича қилинаётган ишларнинг дастлабки самараси қўрибна ошди. Пировард натижани эса вақт кўрсатади. Бу борда фақат қатъий кўрсатиш, мақсадга эришиш мумкин.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.



## «Чинобод» санаторийси ОТАЖ Кузатов кенгаши 2002 йил 28 июлда акционерларнинг умумий йиғилиши ўтказилишини МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Мажлис Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, О.Зокиров кўчаси, 88-уйда ўтказилади.

### КУН ТАРТИБИ

1. Жамиятнинг 2001 йил молиявий-хўжалик фаолияти ҳисоботи.
  - 1.1. Жамият тафтишчиси ҳисоботи.
  - 1.2. Аудитор хулосасини тасдиқлаш.
  - 1.3. Бухгалтерлик баланснинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Фойда ва зарарни тақсимлаш.
3. Ички тартиботни тасдиқлаш.
4. Жамият аудиторини тасдиқлаш тўғрисида.
5. Жамият тафтиш комиссия аъзоларини сайлаш.

Мажлисида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акционерлар рўйхати 2002 йил 27 май ҳолатига кўра тузилган.

Акционерлар ҳужжатлар лойиҳаси билан йиғилиш бошланишидан олдин мажлислар залида танишишлари мумкин.

Акционерлар ёки уларнинг вакилларини рўйхатдан ўтказиш соат 9.00 дан бошланади.

### «ЧИНОБОД» САНАТОРИЙСИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 2001 ЙИЛ ҲОЛАТИГА БЎЛГАН БАЛАНСИ

(минг сўм)

| АКТИВ                                 | ПАССИВ                                       |
|---------------------------------------|--|
| Асосий маблағлар 441867,1             | Низом капитали 378000                        |
| Номатериал активлар 19544,3           | Қопланмаган зарар 8711,7                     |
| Капитал қўйилмалар 11918,9            | Мақсадли тушум ва жамғармалар 85270,0        |
| Ишлаб чиқариш захиралари 52507,7      | Келгуси даврда кўриладиган даромадлар 2228,0 |
| Келгуси даврдаги харажатлар 106,1     | Харидорлардан олинadиган маблағлар 12460,7   |
| Пул маблағлари 942,5                  | Иш ҳақидан қарздорлик 6949,8                 |
| Қисқа муддатли қўйилмалар 150,0       | Ижтимоий сўғуртадан қарздорлик 2013,7        |
| Пул ҳужжатлари 217,0                  | Шўъба корхоналарига қарздорлик 3014,0        |
| Бўнак тўловлари 228,4                 | Бошқа кредиторлар 49438,4                    |
| Бюджет билан ҳисоб-китоб 1162,3       |  |
| Бошқа дебиторлар 2018,5               |  |
| <b>Активлар бўйича жами: 530662,8</b> | <b>Пассивлар бўйича жами: 530662,8</b>       |

#### Молиявий натижалар (минг сўм)

Даромадлар - 478780,9 Харажатлар - 487492,8 Зарарлар - 8711,7  
2001 йилдаги аудиторлик текшируви «Экоаудит» аудитор фирмаси томонидан ўтказилган (00147 рақамли лицензия - 09.08.2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган).

## «Турон» санаторийси ОТАЖ Кузатов кенгаши ва бошқаруви 2002 йил 27 июнда акциядорларнинг йиллик ҳисобот умумий мажлиси ўтказилишини ХАБАР ҚИЛАДИ

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Устабоев кўчаси, 159-уй.

Йиғилиш соат 10.00 да «Турон» санаторийси биносида бошланади.

### КУН ТАРТИБИ

1. Жамиятнинг 2001 йил молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида ҳисобот.
  - 1.1. Жамият тафтишчиси ҳисоботи.
  - 1.2. Аудитор хулосасини тасдиқлаш.
  - 1.3. Бухгалтерлик баланснинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Фойда ва зарарни тақсимлаш.
3. Ички тартиботни тасдиқлаш.
4. Жамият аудиторини тасдиқлаш тўғрисида.
5. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисида.

Мажлисида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акционерлар рўйхати 2002 йил 27 май ҳолатига кўра тузилган.

Акционерлар ҳужжатлар лойиҳаси билан мажлис бошланишидан олдин кенгаш залида танишишлари мумкин.

Акционерлар ёки уларнинг вакилларини рўйхатдан ўтказиш соат 9.00 дан бошланади.

### «ТУРОН» САНАТОРИЙСИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 2001 ЙИЛ ҲОЛАТИГА КЎРА БАЛАНСИ

(минг сўм)

| АКТИВ                                 | ПАССИВ  |
|---------------------------------------|---|
| Асосий маблағлар 639534,7             | Низом капитали 728735,0                       |
| Капитал қўйилмалар 8753,1             | Тақсимланмаган фойда 14838,4                  |
| Бошқа активлар 217,5                  | Келгуси даврда кўриладиган даромадлар 11768,1 |
| Ишлаб чиқариш активи 126164,9         |   |
| Тайёр маҳсулотлар 0,5                 |   |
| Пул маблағлари 3096,3                 |   |
| Дебиторлар 23334,3                    | Кредиторлар 45759,8                           |
| <b>Активлар бўйича жами: 801101,3</b> | <b>Пассивлар бўйича жами: 801101,3</b>        |

#### Молиявий натижалар (минг сўм)

Даромадлар - 486048,1 Олинган фойда - 34714,2  
Харажатлар - 451333,9 Соф фойда - 14838,4

2001 йилги аудиторлик текширув «VIKTOR-AUDIT» аудитор фирмаси томонидан ўтказилган. (00081 рақамли аудиторлик лицензияси 2001 йил 19.06. да, 00985-аудиторлик сертификати 2001 йил 05.03. да Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган). Сертификат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 26.07. да 137-рақам остида қайта рўйхатдан ўтказилган.

## АЗИЗ ҲАМЮРТЛАР!

Республикамизнинг энг йирик ва нуфузли банкларидан бири **АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТА БАНК»**

2002 йил 1 июндан эътиборан 6 ой ва 1 йил муддатга қабул қилиниб, омонат миқдори ҳамда муддатига мутаносиб равишда йиллик 42 фоиздан 46 фоизгача даромад тўланадиган янги, манфаатли ва қулай бўлган

### «ОНА ЗАМИН САХОВАТИ»

жамғарма омонат турини таклиф этади.

Сиз, ушбу омонатга бўш пул маблағларингизни «Пахта Банк»нинг исталган бўлимида қўйишингиз ва омонат шартларига кўра фоизли даромадингизни ҳар ойда олиб боришингиз мумкин.

«Пахта Банк» Сизларга соғлиқ, хуш кайфият ва оилавий бахт тилайди!

**«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!**



## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

2002 йил 4, 12, 27 июн кунлари соат 12.00 да ўтказиладиган Танлов савдоларига сармоя киритиш шарти билан қуйидаги Болалар боғчалари қўйилади:

1. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, «Сафдош» кўчаси, 4 уйда жойлашган, Яккасарой туман Халқ таълими бўлимига қарашли 427-сонли Болалар боғчаси.  
Бошланғич баҳоси - 11 534 000 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А. Раҳмат кўчаси, 27 уйда жойлашган 38-сонли Болалар боғчаси.  
Бошланғич баҳоси - 11 566 500 сўм.

Танлов савдосидан Болалар боғчасини сотиб олишнинг шартлари:

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш;
2. Амалдаги талаб ва мейёрларга мувофиқ болалар мактабгача муассаса биносини, иншоотларини таъмирлаш ва қайта қуриш;
3. Боғча ҳудудини санитар талаблар бўйича ободонлаштириш, ёнгина қарши чора-тадбирларга мувофиқ сақлаш;
4. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва мейёрлий ҳужжатларига асосан, болалар билан ишлаш таъ-

лим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш;

5. Объектнинг баҳоси бўйича таклиф бериш.

Тақдим этилган муҳрланган конвертлардаги бизнес-режалар 2002 йил 4 июнда (шу куни харидорлардан ётарли даражадаги аризалар тушмаган тақдирда) 12 июнда (шу куни харидорлардан ётарли даражадаги аризалар тушмаган тақдирда) 27 июнда Республика Биржалар маркази биносининг 3 қаватидаги мажлислар залида очилади.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг!

Савдоларда қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан гаров пули тўлашлари шарт.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 кун олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юрдошларимиз Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10 уй, Республика Биржалар маркази биноси, 3 қават, 44 хона, Республика Кўчмас мулк биржаси.

Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75

Факс: 136-06-17

www.uzrkmb.com

# ДИЛГА ЯҚИН НАВОЛАР

Фурур

Бойсун этакларида халқимизнинг қадимий ва маънавий дурдоналари нечоғлик асраб-авайлаб, ардоқлиб келинаётганини ўз кўзлари билан кўрдилар. Халқ руҳиятининг кўзгуси бўлган ўлмас меросимиздан маънавий-руҳий куч-қувват олдилар. Айниқса, баҳор таровати ила зий-



халқ ансамблининг дилларга завқ-шавқ солувчи жозибали кўшиқлари, дилбар рақслари ҳатто хорижлик меҳмонларни ҳам даврага чорлади.

Халқаро фестивал — ҳақиқий санъат, дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик байрамига айланиб кетди. Кўнгиллар кўҳна санъат наволарида нурланди, мусика элларни элларга, дилларни дилларга боғлади.

А.НАБИЕВА.

Суратларда: «Бойсун баҳори» халқаро фольклор фестивалидан лавҳалар.

И.ХҲАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.



Яхши куй-қўшиқ, мусиқа чегара билмайди. Инсон қалбида, руҳиятида яшайди. Шу боис, яхши кўшиқ қай тилда янграмасин, одамлар унинг сўзини тушунмасалар-да, оҳанглар «тили»ни қалблари билан ҳис қиладилар. Сурхон воҳасида бўлиб ўтган «Бойсун баҳори» халқаро фольклор фестивали бу ҳақиқатни яна бир қарра исботлади. Халқаро анжуманининг Бойсун тупроғида ўтганлиги бежиз эмас. Негаки, бу бетакрор маскан бир йил муқаддам ЮНЕСКО томонидан «Инсоният оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси» сифатида эътироф этилган эди.



Дунёнинг турли бурчаларидан анжуманга келган меҳмонлар тоғли

натланган Бойсун адирларининг таровати дилларга ўзгача сурур бағишлади. Япония, Корея, Франция, Туркия, Буюк Британия давлатлари ва қўшни Тожикистон, Қирғизистондан ташриф буюрган фольклоршунослар, мусикашунослар, тарихчилар фольклор-этнографик дасталар, таниқли санъаткорлар ижросида халқ термалари, лапар ва кўшиқлари, куй ва рақсларини томоша қилиб, халқимизнинг нақадар бой тарих ва

кўҳна маданиятга эга эканлигига гувоҳ бўлдилар. Хусусан, «Бойсун» фольклор-этнографик



## «УЧУВЧИЛАР АВТОРУЧКАСИ»

Шарикли ручка кашф этилган, уни ишлаб чиқарадиган машина яратилди. Бундай ручка Аргентинада 1943 йилдан эътиборан чиқарила бошланди.

Ручканинг дастлабки харидорлари учувчилар бўлишди. Чунки улар шарикли ручка сиёҳи барландга кўтарилганда атмосфера босимининг қайиши таъсирида оқиб кетмаслигига амин бўлишган эди.

«Учувчилар авторучкаси» ҳақидаги маълумот АКШ мудофаа вазирлигига етиб борган, вазирлик бу ёзув қуролини ишлаб чиқарувчи фабрика эгаларига Америка ҳарбий учувчилари учун ана шундай шарикли ручка ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни топширди.

Кейинчалик унинг конструкциясига бирмунча ўзгаришлар киритилди. Кенг қўламда тарғиб қилинганлиги туфайли бу ручкаларнинг дастлабки нусхалари 1945 йилда Нью-Йоркдаги университетта келтириб сотилди.

**КОМПАС ҚАЕРГА ОЛИБ БОРАДИ**

Агар киши компаснинг магнит кўрсаткичи билан кетаверса, шимолий географик Кутбга боради, деб баъзилар янглиш фикрлайдилар. Ҳақиқатда эса компас кўрсаткичи Шимолий Американинг шимолий учи-Сомерсет оролига олиб боради.

Чунки бу ерда ернинг шимолий магнит кутби жойлашган.

**Ривоят қилишларича, бир оилада ўғил туғилибди. Болакайни ардоқлаб, лаззатли таомлар бериб, яхши кийинтириб, катта қилишибди. Лекин боланинг гапирмаслиги ота-онани ташвишга солибди. Кўрсатмаган табиблари қолмабди. Лекин чораси топилмабди. Бир кун бола овқатланаётганда ошхонага ўт кетганини кўриб:**

— Дада, ойи, ошхона ёнапти! — деб юборибди.

Ота-она қувончидан ёрилгудек бўлиб:

— Э, ёнса-ёнсин, биз учун сенинг тилга кирганинг қимматли! — дейишибди.

— Мен олдин ҳам гапирдим мумкин эди, — дебди бола, — тилим бор!

— Ахир нега гапирмадинг! — дейишибди ота-она.

— Нимани ҳам гапирай! — дебди бола.

— Мен айтмасданок ўзларингиз ҳамма нарсени муҳайё қилиб қўяяпсизларку.

Бу бир ривоят. Лекин фарзандлари қўлини совуқ сувга урдирмай пуф-пуфлаб, эркалатиб, айтганини муҳайё қилиб қўяётган замондошларимиз йўқ дейсизми!

— Мен олий маълумотли бўлсам, қайнонам сигир соққин, — деб мажбур қилаяптилар-а! — деб арз қўлади бир келинчак.

— Қаймоқ ейман, сут ичаман десангиз сигир боқиб, сигир соғасиз-да, — дейман унга.

— Бо-о, дўкон тўла

ҳақда сўзлаб бермаймиз. Қишлоққа бориб қолган бир қизалоқ сигир соғабган аёлни кўриб, «Вой, сизлар сутни сигирдан оласизларми, биз бозордан оламиз», деган экан.

Маҳалламиздаги эркатой йигитлардан бири ҳарбий хизматга чақирилди. «Олиб қоламиз», деб ота-онанинг югурганлари. Аммо...

Йигитча ҳасратли хатлар ёза бошлади... қайтиб келаяптилар-ку! Демак, ўша ота-она ўғилларини нақ киприкларида сақлаб, оғзидан нима чиқса, «Лаббай, ўғлим!» деб икки букилиб туришган-да! Мана, оқибат. Ҳаётга мустақил кадам қўйиши керак бўлган бола ҳам, ота-она ҳам қайналаяпти.

Ҳозир совғалар ниҳоятда дабдабали бўлиб кетди. Ота-оналар қизига бриллиант сирга ё видеомагнитоэса кекса момо қолади. Уйдаги ҳамма юмуш, ҳатто нон олиб келиш ҳам момо зиммасида.

— Ҳеч қўймай фалон сўмга мотоцикл олдири-я! — дейди Аскартойнинг онаси жилмайиб. — Дадажони ўғилларининг айтганини қиладилар! «Ўғилларининг айтганини қиладилар!». Ҳамма бало ана шу гапда! Аскартойнинг одамларга етказган озориға ким жавоб беради. Унинг келажоғи, у ҳам бир кун ота бўлиб, фарзанд тарбиялай билиши кераклиги ҳақида ким ўйлайди?

Ота ҳар бир кадами, сўзи, иши билан фарзандларига ўрناк бўлмоғи зарур. Кун ора маст ҳолатда уйга келиб, эртасига фарзандларидан ақл талаб қиладиган отанинг сўзи таъсирли бўлмайди. Ўзи уйкучи бўлиб, ишни қўл учуда бажарадиган ота фарзандларига ибрат бўла олмайди. Ўзи дағал муомала, кўрс бўла туриб, ўғил-қизларидан хушмуомаликни талаб қилса ярашмайди.

Бу ҳақда жиддий ўйлаш, амалий ишга киришиш ҳаммамизнинг инсоний бурчимиздир.

**Санъат МАХМУДОВА.**

**«Универсиада-2002»**

## БУНАҚАСИ КАМ БЎЛАДИ

«Универсиада-2002» мусобақалари алоҳида кўтаринчилик билан ўтди. Мен меҳнатлари қадр топган кекса бир мурабий сифатида айтишим мумкинки, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга узлуксиз жалб қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва ҳар томонлама соғлом авлод орзуи ушалиши йўлида кенг қамровли тадбирлар амалга ошириляптир. «Баркамол авлод», «Умид ниҳоллари», «Универсиада» мусобақалари мамлакатимизда спорт оммавийлиги учун катта хизмат қилапти, деб қомил ишонч билан айта олам.

Яна бир гап. Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросими пайтида замонавий талабларга тўла-тўқис жавоб берадиган «Бухоро» ўйингоҳи томон ошиқаётган спортчи ёшлар, меҳмонлар, хорижлик дўстларимиз чехрасидаги табассумни кўриб, тўғриси, бахтиёрликдан қўзимга қувонч ёшлари келди. Айниқса,

мусобақанинг тантанали очилиш маросими 30 дан ортиқ хорижий мамлакатга тўғридан-тўғри олиб кўрсатилганлигини айтмайсизми?! Эътироф этиш лозим: Бухоро ўз тарихида бунақа спорт байрамини кўрган эмас.

**Болта ҒАФҒОРОВ,**  
Бухоро вилоят касабаси уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамаати бошқарувига қарашли 3-БЎСМ мурабийи.

## БУХОРОНИ КЎРИБ ҲАЙРАТЛАНДИМ

Бухорога келиб, очиги, гоётда ҳайратландим. Вилоятда қисқа вақт ичида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилибди. Нуфузли мусобақага пухта тайёргарлик кўрилганлигини ҳар қадамда чуқур ҳис этиб туришимиз. Бинобарин, оммавий ахборот воситалари ва телерадиокомпания ходимлари жойлашган «Бухоротекстил» га қарашли санаторийда яратилган шарт-шароитлар, қулайликлардан барча ҳамкасбларим миннатдор.

Вилоят касабаси уюшмалари Кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят бўлими ташаббуси ва ҳомийлигида ўтаётган турли маданий тадбирлар, кечалар, учрашувлар барча-барчада илқ таассурот қолдирмоқда. Хусусан, 30 май кунини голиби аниқланадиган «Универсиада малакиси» деб номланган танлов қатнашчиларда катта қизиқиш ўйотди.

**Рустам РАСУЛОВ,**  
«Ёшлар» радиоканали бош режиссёри.

## КОЛЛЕЖДА ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Нукусдаги иккинчи тиббиёт коллежида бўлиб ўтган очик эшиклар кунинида шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли бир нечта мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари, ота-оналар қатнашди.

— Жорий йилда ўқув юртимиз ўн ёшга тўлади, — деди коллеж директори Замира Ғаниева «Туркистон-пресс» муҳабрига. — Мустақиллигимизнинг дастлабки йили очилган ўқув юртида стоматология шифокори, ҳамширалик иши, тиш техник, дорихўна ва санитария фельдшер мутахассислари тайёрланади. Коллеждаги фан хоналари, шунингдек, республика стоматология поликлиникаси талабалар хизматида. Аълочи талабаларимизга Жанубий Кореядаги «Касама» компаниясининг стипендиялари берилмоқда.

**«Туркистон-пресс»**

## ШАРҚ МУМТОЗ АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШИ ВА ТАДҚИҚ ЭТИШДА МАНБАШУНОСЛИК ВА МАТНШУНОСЛИК МУҲИМ ҲАМ

**ПУХТА БИЛИМ ВА МАЛАКА**

Олий ўқув юртида манбашунослик ва матншунослик кафедрасининг ташкил этилиши айна муддао бўлди. Бу кафедра шу соҳа бўйича малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш билан бевосита шуғулланмоқда.

Фурс, араб ва турк тиллари ўқитиладиган гуруҳлардан танлаб олинган талабалар учун махсус уюштирилган ўқув машғулоти жуда мазмунли бўлмоқда. Ёзув тарихи, китобат санъати, хаттотлик санъати ва ёзув турлари, матншунослик ва манбашунослик асослари билимларидан берилаётган билимлар ҳам самарали бўлмоқда.

Бундан ташқари, Алишер Навоий асарлари матншунослиги, қўлёзмаларни тавсифлаш бўйича алоҳида ўқув дарслари ташкил этилмоқда.

## КЎПЧИЛИКНИНГ ЁДИДА ҚОЛДИ

Бойсун туманининг қадимий Пулҳоким қишлоғида бўлиб ўтган собиқ синфдошлар учрашуви тўйга айланди. Шу қишлоқдаги мактабни бундан чорак аср бурун битирган собиқ синфдошлар устозларга тўн кийдирилди. Битирувчи ёшларга эдалик совғалар топширилди.

Мақтабнинг собиқ ўқувчиларидан бири, хусусий тадбиркор Чори Шоймуродов қишлоқ қарияларидан икки юз кишига ош берди.

Пулҳокимдаги ўқувчи учрашуви кўпчиликнинг эсида қолди. Учрашув чоғида яхши хотиралар ёдга олинди. Қариялар ёшларга эзгу тилаклар билдириб, уларга иқбол тилашди.

## ХАЛҚАРО МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

Халқаро Нобель мукофоти совриндорларининг ўртача ёши 39 га тенг бўлиб, бундан физикларда 36, кимёгарларда 39, тиббиёт вақилларида эса 41 ни ташкил этади.

Энг ёш мукофот соҳиби Уилям Лауренс Брегг ҳисобланади. У ушбу мукофотга сазовор бўлганда бор-йўғи 25 ёшда эди. Энг кекса мукофот соҳиби, кўп йиллар Миннесота университететида ўз илмий фаолиятини давом эттирган ҳамда параманетизм квантомеканик назариясини яратган Жон Хасбурк Ван Флек 1977 йили Нобель мукофотиға муносиб деб топилганда 88 ёшда эди.

Мукофот олишдек улғу кунларни кутуш бўйича ўзига хос «рекорд»ни Нью-Йоркдаги Рокфеллер тиббиёт институтида фаолият кўрсатган олим Фрэнсис Нейтон Роус ўрнатган. Рак касалининг келиб чиқишини ўрганган бу тадқиқотчи Нобель мукофотини олиш бўйича ўз юлдузли дамларини 55 йил кутди.

**А.АЛИЕВ.**

**ISHONCH**

Бош муҳаррир **Мирғиёс ҚАЮМОВ**

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

**Тахрир хайъати:**  
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонав, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.  
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топшириди - 22.45

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Ўлчам: А-2. Ҳажми 2 босма табақ. Соммада эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.